

“Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича умумий йиғилиши
1-сонли баённомаси

2025 йил 2 май
соат 10-00

Самарқанд шаҳри, Зиёкорлар
кучаси 4 уй

Йиғилиш раиси: А.Синдаров – кузатув кенгаши раиси

Иштирок этганлар: “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқарув аъзолари (*рўйхатга олиш қайдномаси бўйича*)

Жами овоз берувчи акциялар 332 361 (уч юз ўттиз икки минг уч юз олтмиш бир) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 263 937 дона. Йиғилиш қворуми 79,41 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 77-моддасига мувофиқ, йиғилиш раислигига А.Синдаров, котиблигига жамият иктисодиёт бўлими бошлиғи Э.Усмонов номзодлари таклиф этилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** бўйича, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун санок комиссиясини сайлаш, комиссия сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслигини маълум қилиб, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун санок комиссиясига қуйидаги таркибда номзодлар таклиф қилинди:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими
1	Абдусаттаров Хусан Абдушукурович	“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ бош агрономи
2	Бахтиёров Бехруз Санжар угли	“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ижро интизоми бўйича инспектор
3	Собиров Акбарбек Тўлқинович	“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ тайёрлов бўйича ҳисобчи

Акциядорларнинг умумий йиғилиши президиумига уч кишидан иборат бўлган: йиғилиш раиси - кузатув кенгаши раиси А.Синдаров, аъзолари - жамият бошқарув раиси Т.Худойбердиев ва акциядор Р.Тураевлар номзодлари таклиф этилди.

Таклиф этилган номзодлар бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги **иккинчи масала**, яъни умумий йиғилишни кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 5 дақиқа, муҳокама учун 3 дақиқа ажратиш ва йиғилишни танафуссиз якунлаш таклифи берилди.

Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:

1) Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси ва ишчи президуми аъзоларини сайлаш;

2) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш;

3) Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи;

4) Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда, 2024 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2025 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботи эшитилади;

5) 2024 йил учун Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тўзилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2024 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш масалалари бўйича ўринбосарини 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи;

7) Жамиятда 2024 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот ҳулосасини куриб чиқиш;

8) Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;

9) Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва котибини сайлаш, иш ҳақини белгилаш;

10) Жамият бошқарув аъзоларини қайта сайлаш, иш ҳақини белгилаш;

11) Жамиятнинг 2025 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш;

12) Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш;

13) Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва кооператив бошқарув низомларини тасдиқлаш;

14) Жамиятнинг 2025 йил мулжалланган “Бизнес режаси”ни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги иккинчи масала очиқ овоз орқали тасдиқланди ва таклиф бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан “Самарқанддон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси А.Синдаров сўзга чиқиб, 2024 йил давомида 5 маротаба кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши ўтказилганлиги, ушбу йиғилишларда жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамда жамиятни янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинганлигини гапириб ўтди.

2024 йил давомида ҳар чорак якунлари бўйича кузатув кенгашининг йиғилишларида:

- Жамият бошқарув раисининг чораклар давомида бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори ижроси доирасида жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги ва асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор ҳисоботлари;

- Жамият ички аудит хизматининг чорак якунлари бўйича жамиятда амалга оширилган ишлар натижалари, иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати, молиявий ҳисоботларнинг белгиланган тартибда шакллантирилиши тўғрисидаги ҳисоботлари ва жамият тафтиш комиссиясининг хулосалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти

самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида Низом”га асосан ташқи аудиторлик корхонасининг тегишли хулосасига кўра жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи СЙК 88,1 фоиз, яъни “ўртача даражада” ҳамда жамиятда корпоратив бошқарув фаолияти мустақил ташкилот томонидан 10 балл (қоникарли , даражада) баҳоланганини таъкидлади (кузатув кенгаши ҳисоботи ёзма равишда илова этилади).

Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т /р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда, 2024 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2025 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисидаги масала юзасидан жамият ижро органи раҳбари Т.Худойбердиев сўзга чиқиб, “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида бажарилган ва амалга ошмай қолган барча ишлари тўғрисида батафсил маълумот берди ва 2024 йил давомида бизнес режа бўйича **158 млрд. 69,6 млн. сўмлик** махсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган махсулот хажми улгуржи нархда **77 млрд. 293,5 млн. сўмни**, солиштирма нархда эса **78 млрд. 40,1 млн. сўмни** ташкил этди. Бизнес режа бўйича ишлаб чиқарилиши кутилган махсулотлар **49,4** фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати солиштирма нархларда **56,5** фоизни ташкил этди

Бизнес режа бўйича 2024 йил давомида махсулотларни сотишдан соф тушум **196 млрд. 390,7 млн. сўм** режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда махсулотларни сотишдан соф тушум **147 млрд. 74,0 млн. сўмни** ташкил қилди, режага нисбатан **74,9** фоиз. Сотилган махсулотлар таннарни **178 млрд. 806,7 млн. сўм** режа қилинган бўлиб, ҳақиқатда **138 млрд 629,4 млн. сўмни** ташкил қилди, бизнес режага нисбатан **77,5** фоиз.

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган Бизнес режасида **1 млрд. 459,7 млн. сўм** соф фойда олиш режаси белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **189,3 млн. сўм** соф фойда олинди. Бизнес режага нисбатан соф фойда олиш режаси **13,0** фоизга бажарилди. (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
-----	-------------	----------	------------

1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ
---	--------------------	-----	-----

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан ҳам жамият бош ҳисобчиси К.Шербоев сўзга чиқиб, 2024 йил учун Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2024 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини ўқиб эшитирди.

2024 молиявий йил якунлари бўйича Ташқи аудиторлик ташкилоти “Javlon audit servis” МСНЖ нинг хулосаси (МХХС, МХМС) ҳамда ҳисобот йили учун СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан жамият ташқи аудиторининг ижобий фикр билдирилган аудиторлик хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларни таништирди, шунингдек ташқи аудитор хулосасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СЙК 88,1 % (ўрта даражада) баҳоланганлигини таъкидлади (ташқи аудит хулосалари илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси Т.Худойбердиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитишни таклиф этди.

3.Иботув 2024 йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагича берди:

2024 йил давомида турли хилдаги товар моддий бойликлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун принципларига амал қилинган ҳолда харид қилиниб, жамият балансига кирим қилинган.

2024 йил давомида жамият томонидан амалга оширилган харидлар кунлик 1С компьютер дастурига киритиб борилган, харидлар жараёни биржа савдолари орқали ёки кооперация доирасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим қилинди.

Жамият томонидан 2024 йилнинг ҳисобот даврида корхонада импорт харидлар амалга оширилмаган.

2024 йил давомида белгилаб берилган қора ва рангли металл режаси юз фоиз бажарилди.

- 2024 йил давомида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги **0,75** балл, яъни “Ўрта даража”да баҳоланганлигини йиғилиш иштирокчиларига билдирди.

Акциядорлар томонидан муҳокама қилинган ҳисобот овқзга қўйиш таклиф қилинди (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **еттинчи масала** бўйича: Жамиятда 2024 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот ҳулосасини куриб чиқилди;

Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2024 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни (қоникарли даражада) баҳоланган тўғрисида берилган ҳулосаси маълумот учун қабул қилинди.

Кун тартибидаги етинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси А.Синдаров йиғилиш қатнашчиларини жамият ижро органи билан кўриб чиқилган таклиф ва кузатув кенгаши тавсиясига асосан (*кузатув кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 5-сон баёни*) қуйидаги тақсимот билан таништирди ва муҳокамага киритди:

Жамиятнинг 2024 йил молия хужалик фаолияти якунлари бўйича 189 294 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 40,0 фоизи (75 717,6 минг сўм) модернизация ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;
- 5,0 фоизи (9 464,7 минг сўм) меҳнатни муҳофаза қилиш фондига;
- 5,0 фоизи (9 464,7 минг сўм) захира фондига;
- 50,0 фоизини (94 647 минг сўм) дивиденд тўловларига (*бунда ҳар бир дон ақция учун 284,77 сўм*) тўлашга йўналтириш бўйича таклифни киритди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан ушбу масала муҳокама қилинди ва акциядорлар томонидан келгуси йилларда корхонанинг соф фойдаси тақсимланишида ақция учун кўпроқ фоизда дивидент ажратиш сўралди, сўнг раислик этувчи кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
-----	-------------	----------	------------

1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ
---	--------------------	-----	-----

Кун тартибидаги тукизинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши комиссиясига бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига 2025 йилга номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	Синдаров Азимжон Азамат ўғли	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили(2024 йилдан)	37 318	йўқ	йўқ
2	Хайдаров Низамиддин Хамраевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	37 318	йўқ	йўқ
3	Махмараимов Сухроб Уктамович	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	йўқ	йўқ	йўқ
4	Тугизбаев Аъзам Абдураимович	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	йўқ	йўқ	йўқ
5	Исмагуллаева Дилноза Рамизидиновна	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	37 318	йўқ	йўқ
6	Яхшибаев Сардор Хайитбоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	37 318	йўқ	йўқ
7	Тўраев Рахмонкул Юлдошевич	“Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили (2024 йилдан)	99 814	йўқ	йўқ
8	Исломов Шухрат Кадирович	Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили	8 381	йўқ	йўқ
9	Худойбердиева Чароз Гайбуллоевна	Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили	6 470	йўқ	йўқ
10	Худойбердиев Жавохир Тура угли	Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили	йўқ	йўқ	йўқ

Кузатув кенгаши котиблигига Усмонов Элёр Қобуловични сайлаш , иш ҳақини белгилаш

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби иш жараёнида ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантирилади.

Кун тартибидаги ўннинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси А.Синдаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Жамиятнинг расмий веб сайтларда бошқарув лавозимига эълон қилинган танловга таклифлар булмаганини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб, Худойбердиев Тура Хасанович номзодини “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиши юзасидан таклиф киритди.

Жамият ижро органи раҳбари ва аъзолигига:

- Жамият бошқаруви раиси Худойбердиев Тура Хасанович;
- Ишлаб чиқариш бўйича директор Ибадов Зойир Саъдуллаевич;
- Бош ҳисобчи Шербоев Комил Раҳмонбердиевич;
- Иқтисодиёт бўлими бошлиғи Усмонов Элёр Қобулович
- Бошқарув раисининг трансформация масалалар бўйича (биринчи) ўринбосари Мустаров Усар Хусановичлар билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси узайтирилди.

Номзодларини сайлашни ва улар билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Ижро органи раиси ва аъзоларини, иш жараёнида тасдиқланган Низом асосида моддий рағбатлантириш таклифи киритилди.

Сунг йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўннинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан, “Самарқанддон махсулотлари” акциядорлик жамиятида 2025 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлари

томонидан тушган таклифлар билан А.Синдаров томонидан йиғилиш иштирокчилари таништирилди ва биттасини танлаш таклифи киритилди.

Танланган аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда 2025 молия йилининг хар чорагида аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан молиявий текшириш ва чораклик хулоса бериш кераклигини таъкидлаб утди.

Жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга хар чоракда аудиторлик ташкилотига молиявий фаолиятни текширишда зарур булган ҳужжатларни тақдим этиш юклатилди.

Муҳокамадан ва фикр мулоҳозалардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн биринчи масалани овозга қўйиш таклифини берди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	Аудиторлик ташкилоти номи ва таклиф этилган хизмат хақи миқдори	Берилган овозар тижаси	
		Овоз	Фоиз
1	“Afrosiyob audit standart” МСНҲ (хизмат қи миқдори 34 000 000 сум)	йўқ	йўқ
2	“Javlon audit servis” МСНҲ (хизмат хақи қдори 24 000 000 сум)	263 937	йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала: “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларни таништирди (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн иккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи масала қуйидагича: Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва кооператив бошқарув низомларини тасдиқлаш.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва кооператив бошқарув низомлари матни йиғилиш иштирокчиларга уқиб эштирилди. (янги таъхрирдаги устав илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибдаги ўн туртинчи масала Жамиятнинг 2025 йил мулжалланган “Бизнес режаси”ни тасдиқлаш.

Кун тартибдаги масала бўйича кузатув кенгаши йиғилиш иштирокчиларини 2025 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси” билан таништирди.

Ушбу масалалар бўйича йиғилиш иштирокчиларининг билдирилган фикр ва таклифларини инобатга олиб 2025 йил мулжалланган “Бизнес режаси” тасдиқланди. (“Бизнес режа” илова қилинади)

Кун тартибдаги ўн туртинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	263 937 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибдаги ўн тўртта масала бўйича билдирилган таклифлар ва талабларни ҳамда санок комиссиясининг баённомасини инобатга олиб жамият акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ умумий йиғилишнинг санок комиссиясига Абдусаттаров Хусан Абдушукурович, Бахтиёров Бехруз Санжар угли ва Собиров Акбарбек Тўлқиновичлар сайланганлиги, ишчи президиумига А.Синдаров - йиғилиш раиси (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили), Т.Худойбердиев (жамият бошқарув раиси), акциядор Р.Тураев ва қотибликка Э.Усмонов (жамият иктисодиёт булими бошлиги) сайланганлиги тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

3. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг 2024 йил фаолияти якунлари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Ташқи аудитор хулосасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СЙК 88,1% (ўрта даражада) ва мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хулосасига кўра корпоратив бошқарув фаолияти 10 балл (қониқарли даражада) баҳоланганини эътиборга олган ҳолда, “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ бошқаруви раисининг 2024 йилда олиб борган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2024 молиявий йил якунлари бўйича ташқи аудиторнинг ижобий хулосаси ва ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги йиғинди кўрсаткичи бўйича хулосаси (СЙК 88,1 % ўрта даражада) тасдиқланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПК-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2024 йил якуни бўйича “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш,

саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботи маъқуллансин.

7. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2024 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни (кониқарли даражада) баҳоланган тўғрисида берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинди.

8. Жамиятнинг 2024 йил молия хужалик фаолияти якунлари бўйича 189 294 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 40,0 фоизи (75 717,6 минг сўм) модернизация ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;
- 5,0 фоизи (9 464,7 минг сўм) меҳнатни муҳофаза қилиш фондига;
- 5,0 фоизи (9 464,7 минг сўм) захира фондига;
- 50,0 фоизини (94 647 минг сўм) дивиденд тўловларига (*бунда ҳар бир дона акция учун 284,77 сўм*) йўналтириш бўйича тақсимлаш тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этилсин.

Дивидендлар 2025 йил 2 майдан 2025 йил 2 июльгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга юклатилди.

9. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ 2025 йил фаолияти учун кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин.

Синдаров Азимжон Азамат ўғли – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Хайдаров Низамиддин Хамраевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Исматуллаева Дилноза Рамизидиновна Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Яхшибаев Сардор Хайитбоевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Исломов Шухрат Кадиорович – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Худойбердиева Чароз Гайбуллоевна – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Тўраев Раҳмонқул Юлдошевич – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Жамият Кузатув кенгаши котиблигига Усмонов Элёр Қобулович

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби иш жараёнида ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантирилади.

10. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун қуйидаги бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин, жумладан:

- Жамият бошқаруви раиси Худойбердиев Тура Хасанович;
- Ишлаб чиқариш бўйича директор Ибадов Зойир Саъдуллаевич;
- Бош ҳисобчи Шербоев Комил Раҳмонбердиевич;
- Иқтисодиёт бўлими бошлиғи Усмонов Элёр Қобулович

- Бошқарув раисининг трансформация масалалар бўйича (биринчи) ўринбосари Мустаров Усар Хусановичлар билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси узайтирилди.

Жамият бошқарув аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилади.

11. Жамиятда 2025 молия йили бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан ҳар чоракда молиявий текшириш ва чораклик ҳулоса бериш шарти билан жамиятга аудитор текширувини ўтказиш учун “Javlon audit servis” МСНҲ аудиторлик компанияси тасдиқлансин ва хизмат ҳақи 24 000 000 сўм миқдорда белгилансин.

Жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга ҳар чоракда “Javlon audit servis” МСНҲ аудиторлик компанияси томонидан молиявий фаолиятни текшириш учун ҳужжатлар билан таъминлаш ва ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

12. “Самарқанддонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва кооператив бошқарув низомлари матни иловага мувофиқ тасдиқлансин (янги таъҳрирдаги устав илова қилинади).

14. “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ ижроия органи томонидан 2025 йил учун тайёрланган “Бизнес режа” лойиҳаси маъқуллансин ва йиғилиш иштирокчилари томонидан айтиб ўтилган “Бизнес режа”нинг энг муҳим кўрсаткичлари бўлган:

- жамиятда ишлаб чиқариши самарадорлигини ўстириш;
- жамият фойдасини кўпайтириш;
- дивиденд тўловларини тўлаш каби параметрлари кўрсатилган ҳамда тўлдирилган ҳолда тасдиқлансин.

15. Ушбу қарор ижросини таъминлаш жамият кузатув кенгаши аъзолари ва раиси ҳамда жамият бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:

 А.Синдаров
 Э.Усмонов

Баённома 2025 йил 7 май куни расмийлаштирилди.